ВАЖИҲЭ СОМОНИЙНИНГ “СЎНГГИ БЕКАТ” ҲИКОЯСИДА МАГИК РЕАЛИЗМ УНСУРЛАРИ

О.З.ТУРДИЕВА

Мақола эрон адибаси Важиҳэ Сомонийнинг магик реализм йўналишида ёзилган “Сўнгги бекат” ҳикоясига бағишланган. Адибанинг ҳаёт ва ўлим ҳақидаги фалсафий қарашлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: *магик реализм, мистик-фантастик унсурлар, реал ва нореал воқеалар, хотира мотиви, модернизм, рамз, мистик сюжет.*

Данная статья посвящается анализу рассказа “Последняя остановка” Важихэ Самани, писательницы постреволюционного Ирана, пишущей в русле магического реализма. В статье анализируются философские размышления писательницы о жизни и смерти.

Ключевые слова: *магический реализм, мистико-фантастические элементы, реалные и нереальные события, мотив памяти, модернизм, символ, мистический сюжет.*

This articleis deals with the analysis of the short story “The last station” by Vajihe Samani the writer of the post revolutionary Iran. The article introduced the philosophical thoughts of the writer on life and death.

Key words*: magic realism, mystic-fantastic items, real and unreal happenings, the motive of memory, modernism, symbol, mystic scene.*

Важиҳэ Али Акбари Сомоний (1976) жамиятнинг ижтимоий муаммоларига бағишланган ҳикоялар билан бир қаторда умумбашарий, фалсафий-диний муаммоларга бағишланган ҳикоялар муаллифи ҳамдир. Адибанинг “**ترا من چشم در راهم**” (“Кўзларим йўлингда”) ҳикоялар тўпламидан 7 та ҳикоя жой олган. Ундаги “**ایستگاه آخر**” (“Сўнгги бекат”) ҳикоясида адибанинг эътибори умумбашарий, умумфалсафий муаммоларга қаратилган ҳолда, воқелик неореалистик услубда тасвирланган.

Тўпламдаги “**ترا من چشم در راهم**” (“Кўзларим йўлингда”), “**زیر باران**” (“Ёмғир остида”), “**برگی از یک زندگی**” (“Ҳаётдан бир варақ”), “**نصیر خان**” (“Насирхон”), “**چشم به راه**” (“Йўлга кўз тикиб”), “**پلهای شکسته**” (“Синган кўприклар”) ҳикоялари мавзу жиҳатдан маънавий-ахлоқий муаммоларга бағишланган. Ҳар бир ҳикояда адиба масалага иймон-эътиқод, поклик каби диний-фалсафий қарашлар нуқтаи назаридан ёндашган. Жумладан, “Сўнгги бекат” ҳикоясида муаллифнинг фалсафий қарашлари инсон умри, ҳаёт ўткинчилиги, ўлим каби ҳодисалар тасвирига кўчма маъно ва мистик-фантастик унсурлар киритиш орқали ифода этилган. “Сўнгги бекат” ҳикоясида реаллик, борлиқ ўз аслиятини йўқотмайди, лекин шу билан бир вақтда, уларни яратиш мистик-фантастик тус олади.

“Сўнгги бекат” ҳикоясида ёзувчи бош қаҳрамоннинг исмини ҳам келтирмаган, яъни у умумлаштирилган, абстракт образдир. Ҳикоя бош қаҳрамон (катта ташкилотнинг обрў-эътиборли директори)нинг ўз кабинетида, ўз креслосида оёқларини столга қўйиб, сигарет чекиб ўтирган ҳолати билан бошланади. У гўё мана шу хонадаги жимжитликка ҳукмрон. Бошқа ходимлар ўз жойларида ишлари билан машғул:

سکوت سنگینی بر همه جا حاکم بود و او مثل همیشه به تمام این لحظات خوش و بی دغدغه حکومب میکرد. هرچه بود مدیر عامل با اسم و رسمی بود.{۹۸،۱}

Ҳамма жойда жимжитлик ҳукм сурарди ва у ҳар доимгидек мана шу ёқимли ва тинч лаҳзаларнинг ҳокими эди. Нима бўлгандаям обрў-эътиборли бир раҳбар эди-да[*].

Аста-секин ҳикоядаги воқеалар сирли тус ола бошлайди. Мана шу жимжитлик ҳукм сураётган хонага жон олувчи фаришта Азроилнинг кириб келиши ҳикоянинг асосий моҳиятини очишга ёрдам беради. Ҳикоянинг айнан шу ўрнида реаллик тасвиридан нореал воқеалар тасвирига ўтиладики, унда магик реализм унсурлари аниқ кўзга ташланади.

Ҳикояда диалог асар ғоясини очиб беришнинг асосий унсури сифатида кўринади. Ёзувчи бош қаҳрамон ва унинг ягона суҳбатдоши Азроилнинг ўртасида бўлиб ўтган суҳбат орқали бош қаҳрамоннинг ички кечинмаларини чуқур акс эттиради. Қаҳрамонимиз Азроилнинг кутилмаган бу ташрифидан қўрқиб кетади, асабийлашади. Ёзувчи қаҳрамоннинг айни ҳолатини бўрттириб, “бўшашди”, “жуда қўрқиб кетди”, “бадани музлаб кетди”, “титроқ турди”, “қўрқув зўридан тили айланмай

қолди”, “ўт бўлиб ёнарди” каби ифодалар орқали беради.

Инсон ҳаёти давомида ўлим ҳақлигига ишонч ҳосил қилиб боради. Бироқ ўлим қачон ва қандай вазиятда келишини ҳеч қачон аниқ била олмайди. В.Сомоний муаллиф нутқи ёрдамида бош қаҳрамоннинг ўлимдан хабари бор, лекин унга ҳали тайёр эмаслигини баён этади:

مرگ! باید می مرد! حالا! مگر میشد! نه...امکان نداشت. اصلاً وقت مردن نبود. حد اقل حالا نبود. حالا که تازه بعد از عمری دویدن و کلاه بر سر این و آن گذاشتن و بیچاره هارا سرکیسه کردن به مال و منال و منصب و شهرتی رسیده بود حتی فکر مردن هم برایش یک شوخی بود. شوخی تلخی که حتی به آن فکر هم نمیکرد. نه...حالا نمی توانست بمیرد. یعنی نبایست می مرد وباید این را یک طوری به عزراءیل حالی می کرد. (19.1)

Ўлим! Ўлиши керак! Ҳозир! Бу мумкинми!?Йўқ...Бунинг имкони йўқ. Ўлишининг фурсати эмас. Ҳеч бўлмаганда ҳозир эмас. Ҳозир, умри давомида барча юғур-юғурлар, фирибгарликлар, порахўрликлардан кейин эндигина мол-давлат, мансабу мартабага эришган бир пайтда ўлиш фикри унинг учун бир ҳазилдек эди. У ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган аччиқ бир ҳазил эди. Ҳозир ўла олмасди. Яъни ўлиши керак эмасди ва буни бир йўлини қилиб Азроилга тушунтириш керак эди.

Шу тарзда муаллиф нутқи орқали қаҳрамон ҳаётига чизгилар берилади. Натижада қаҳрамоннинг ҳаёти давомида фирибгар, ёлғончи, ҳамма нарсани пулга чақадиган инсон бўлганлиги аёнлашади:

فقط گناه پشت گناه. اشتباه پشت اشتباه. فریب پشت فریب. دزدی پشت دزدی. نه اینکه از دیوار خانه ای بالا رفته باشد در نیمه شبی تاریک. بلکه در کمال احترام در روز روشن و جلو چشم همه بی آنکه کسی بفهمد. درست مثل بقیه. مثل همه آدمها. تمام گناههای ریز و درشتش در یک لحظه مقابل چشمان اشکبارش جان گرفت.(۳۹,۱)

چک...پول...آخ که اوضاعش سر این یکی خیلی خرابتر بود. چه قسمهای دروغی که برای به دست آوردن ریال ریال آن نخورده بود! چه رشوه ها که نداده بود! چه دزدیها که نکرده بود! چه خانه هایی که خراب نکرده بود و چه دلهایی که به لرزه نینداخته بود! پول...پول...فقط پول... هیچ چیز دیگررا نمی شناخت. حتی به قیمت ریختن آبروی دیگران!(59.1)

Гуноҳ кетидан гуноҳ. Хато кетидан хато. Фирибгарлик кетидан фирибгарлик. Ўғрилик кетидан ўғрилик. Ярим тунда бировнинг уйи деворидан ошиб ўтиб қилинадиган ўғрилик эмас, балки куппа-кундуз куни ҳамманинг кўз ўнгида, лекин ҳеч ким англаб етмайдиган ўғрилик эди бу. Худди бошқалар каби. Барча бошқа одамлардек. Барча майда ва катта гуноҳлари бир лаҳзада ёшли кўзлари олдида гавдаланди.

Чек... Пул... Оҳлар бўлсинки, улар дастидан аҳволи ҳозир хароб эди. Риал-риал пулларни қўлга киритиш учун қандай қасамларни ичмади-я! Қанча поралар бермади! Қандай ўғриликлар қилмади! Қанчалаб уйларни, қанча дилларни вайрон қилди! Пул... Пул... Фақат пул. Бошқа нарсани билмади. Унинг учун ҳатто бошқаларнинг обрўсини тўкишдан ҳам тоймади!

Мазкур ҳикоянинг ўзига хос томонларидан бири унда реал воқелик билан нореал воқеаларнинг ўзаро уйғун тасвирланишидир. Қаҳрамоннинг умри давомида қилган кўплаб номақбул, гуноҳ ишлари ҳикоянинг реалликка асосланган қисмини ташкил қилади. Нореал воқеа – Азроил билан суҳбат эса умри тугаётган инсоннинг манфур ишлари, ўлим лаҳзасидаги ички кечинмалари ҳамда умрининг “сўнгги бекатида” қанчалар аянчли аҳволда қолганини очиб беришга хизмат қилган.

Қаҳрамоннинг ўлимни кечиктиришга ҳаракат қилиши, Азроилдан ўзига бир оз муддат беришини сўраб ёлвориши муаллиф томонидан маҳорат билан акс эттирилган. Адиба бу тасвирлар орқали ҳикоя қаҳрамонини ўзи истамаган, кутмаган ҳолда жуда аянчли аҳволга тушиб қолганини очиб беради. Жумладан, қаҳрамоннинг кўзларидан шашқатор ёш оқизиб: “*фақат бироз фурсат... фурсат сўрайман... ёлвораман*” ёки “*лоақал бир неча дақиқа бер... васиятимни ёзиб олай... қанча қилолмаган ишларим бор эди*” дея Азроилдан муддат сўраши, Азроилнинг эса “*Худодан олган йиллаб умринг мобайнида нима иш қила олмадингки, энди мана шу бир неча дақиқа ичида қилмоқчисан?*”, “*Шу пайтгача Азроил кимнидир олдига келса, унга фурсат берганини эшитганмисан?*” [1.92] деган жавоби инсон ўзига берилган қисқа умри давомида мазмунли, фойдали ҳаёт кечириши кераклиги, ҳамиша ўлимни ёдда тутган ҳолда, унга ҳозирлик кўриб қўйиши зарурлиги ҳақида ибратли хулосага олиб келади.

В.Сомоний ҳикояга хотира мотивини ҳам киритган. Ўлими арафасида қаҳрамоннинг қариялар уйига олиб бориб қўйилган онасини, ўзига уналштирилган, аммо уйланишни хоҳламагани – холасининг қизини эслаши персонаж ички оламини очишда муҳим вазифа бажаради.

Асар бадиий воқелигида табиат тасвирининг ҳам алоҳида ўрни бор. Кузнинг совуқ шамоли оҳисталик билан хонанинг ярим очиқ деразасидан эсиб кириши ҳикоя қилинаётган воқеага, қаҳрамоннинг айни лаҳзалардаги ҳолатига уйғунлаштириб юборилган. Гўё куз фасли, совуқ шамол ҳам қаҳрамон ҳаётининг интиҳосидан дарак бераётгандек:

عزراءیل قدمی به جلوبرداشت...بازهم جلوترآمد.جلووجلوتر...حالا سایهءقامت کشیده و بلندش روی صورت وحشتزده و هراسان او که در بحرخیالات دور و درازش غرق شده بود افتاده بود. خم شد و چشم در چشمش دوخت. مرد به خود آمد و قبل از آنکه کوچکترین حرکتی بکند و حرفی به زبان بیاورد دیگر چیزی نفهمید!

در سکوت وهم انگیز اتاقی که هیچ جنبنده ای در آن به چشم نمیخورد مردی تا گردن درون صندلی گردانش فرورفته بود و در حالی که پاهای کشیده اش را روی میز دراز کرده بود با چشمان باز به خوابی همیشگی فرورفته بود.{9.1}

Азроил олдинга бир қадам ташлади... Янада яқинроқ келди, яқинроқ, яна яқинроқ... Ҳозир Азроилнинг сояси узундан-узоқ хаёлларга ғарқ бўлган, қўрқинчда қолган юзига тушди. Эгилиб, кўзларига тик боқди. Киши ўзига келди ва кичкина бир ҳаракат қилмай ва бирон бир сўз дейишга ҳам улгурмай қолди!

Ваҳимали жимжитлик ҳукм сураётган хонада бирон бир қимирлаётган нарса кўзга ташланмасди. Киши ўзининг курсисига суянганча, оёқлари стол устида чўзилган ва кўзлари очиқ ҳолда абадий уйқуга кетган эди.

Ҳикоя қаҳрамони шу тариқа бу дунёдан “охирги бекат томон жўнаб кетди”, яъни вафот этди. Ҳикоя қаҳрамоннинг Азроилга бўйсуниши, тақдирга тан бериши билан якунланади. Шу тарзда адиба қаҳрамон умрининг сўнгги лаҳзаларини, унинг қай тарзда ўлим топишини тасвирлаб беради.

В.Сомоний мазкур ҳикояда ўлим мавзусини баён этиш билан бирга, ҳаётдаги баъзи бир инсонларнинг моддий бойликка меҳр беришларини киноя билан ифодалаган, яъни бу дунёга ва ундаги бойликларга ҳаддан зиёд меҳр қўймаслик кераклиги ғоясини илгари суради. Бош қаҳрамон мол-дунёни чексиз яхши кўради, унга эришиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди, бунинг оқибатида Яратганни унутиб қўяди. Ҳикояда ҳаёт ва ўлим, инсон тақдири каби масалалар ўзига хос сюжет орқали акс этган. Умри давомидаги барча қилмишларига муносиб якун тайёрлаб қўйган тақдир олдида инсоннинг ожизлиги, унга бўйсуниш шарт эканлиги, уни ўзгартириш имконсизлиги “бекат” рамзий образи орқали ифодасини топган. Шунингдек, Важиҳе Сомоний инсоннинг ўлим арафасидаги, тирикликдан йўқликка ўтиш жараёнидаги маънавий-руҳий ҳолатини очиб беришга ҳаракат қилган.

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўли ва бу йўлнинг сўнгги манзили мавжуд, инсон ўзига берилган мана шу йўлни босиб ўтиши лозим. Бекат В.Сомоний учун инсон ҳаётининг сўнгги манзилини акс эттиришда қулай бир рамз вазифасини бажарган. Бекат рамзи орқали В.Сомоний ўлимга, инсон умрининг ниҳоясига ишора қилади.

“Сўнгги бекат” ҳикояси адибанинг бадиий-услубий изланишлари маҳсулидир. Ҳикояда модернизм адабий йўналишига хос кўплаб хусусиятларни – қаҳрамон руҳияти таҳлилида онг оқими усулининг етакчилиги, рамзлар ва мистик сюжетга асосланган тавирнинг устиворлигини кузатиш мумкин. В.Сомонийнинг мураккаб фалсафий муаммо – ҳаёт ва ўлим масаласини англашга бағишланган мазкур ҳикояси ёзувчи дунёқараши ва бадиий маҳорати юксаклигидан далолат беради.

Адабиёт:

*Бу ва бундан кейин келтирилган таржималар мақола муаллифига тегишли.

1. 2008 **ترا من چشم در راهم.(مجموعه داستان) وجیهه علی اکبری سامامی. تهران**

2. 2004 **صد سال داستان نویسی ایران.حسن میر عابدینی. تهران**

3.Шеварднадзе В.В. От романтизма к экзистенциализму. – М., 1989.

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
2013 йил 25 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. С.Қурбонов)